https://gospodarkainnowacje.pl

GOSPODARKA I INNOWACJE

LABORATORIUM WIEDZY Artur Borcuch

Volume: 60 | 2025

Economy and Innovation
ISSN: 2545-0573

For more information contact: editor@gospodarkainnowacje.pl

MUSTABID MUSTABID MUSTABID MUSTABID МУСТАБИД ТУЗУМ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ХУДУДИДА ЎТКАЗИЛГАН АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТАДБИРЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ОМИЛЛАРИ

Худояров Уктам Журакулович
Тошкент давлат иқтисодиёт университети Самарқанд филиали “Табиий, ижтимоий фанлар ва жисмоний маданият” кафедраси мудири тарих фанлари бўйича фалсафа доктори,
jurakulovf@mail.ru

A R T I C L E I N F O.

Калит сўзлар: Миграция, динамика, жинсий таркиб, аҳоли, статистика, Чиновник, методика, прогноз, иттифоқдош Республикалар, демографик белгилар.

Аннотация

Жаҳонда аҳоли сони ва унинг миллий ва ижтимоий таркиби тўғрисидаги маълумотлар ижтимоий ва иқтисодий ривожланишни режалаштириш учун биринчи даражали аҳамиятга эга факторлардан бири ҳисобланади чунки, халқнинг фаровонлиги ва маданий савиясини ошириш, янги ҳудудларни ўзлаштириш режаларини тузишда мамлакат ихтиёридаги табиий бойликларнинг миқёсигина эмас, балки одам ресурсларини ҳам яхши билиш муҳим ҳисобланади. Мамлакатда аҳоли қандай жойлашганлиги ишчи кучлари қаерда ортиқча, қаерда етишмаётганлигини билиш, аҳоли эҳтиёжларини қондириш мақсадида болалар боғчалари, мактаблар, маийший хизмат кўрсатиш объектлари ва касалхоналар қуришни режалаштириш, ўқитувчи-педагог ходимлар ва халқ хўжалигининг барча соқалари учун малакали кадрлар тайёрлаш, китоблар босиб чиқариш учун аҳолини миллий ва ижтимоий таркиби тўғрисидаги тўлиқ маълумотларга эга бўлиш лозим. Шу аснода совет даврида бир неча бор аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари ўтказилган бўлиб уларнинг ташкил этилиши ва аҳамиятини ўрганиш бўйича ҳозирги кунгача бирор-бир тадқиқот мавзуси танланмаган ана шунинг учун ҳам аҳамияти жиҳатдан долзарб ҳисобланади.

Илмий мақолада совет даврида аҳолини рўйхатга олиш бўйича ўтказилган тадбирлар ва уларни ўтказиш учун олиб борилган тайёргарлик ишлари ҳақидаги маълумотлар совет даври ва мустақиллик йилларида соҳада илмий тадқиқот олиб борган тадқиқотчиларнинг илмий хулосалари ҳамда архив манбалари асосида таҳлил қилинди.

http://www.gospodarkainnowacje.pl/ © 2025 LWAB.

Маълумотларнинг кўрсатишича, аҳолининг ўсиш суръатлари йилдан-йилга жадаллашмоқда. Одамлар Ер шарида бундан бир неча юз минг йиллар аввал пайдо бўлиб, уларнинг сони 1830 йилга келиб миллиардга етган эди. Бу ўсиш суръатлари кейинчалик анча тезлашди. Юз йил ичида (1930 йилга келиб) аҳолининг сони 2 миллиардга кишига етди. Атиги 32 йил ичида, яъни 1962 йилда 3 миллиард кишига етди[1, 3 б.]. Туртинчи миллиардга етиши учун эса атиги 15 йил

Copyright © 2025 All rights reserved International Journal for Gospodarka i Innowacje This work licensed under a Creative Commons Attribution 4.0

кифоя қилди[2, 67 б.]. Ана шу яхлит ер юзи аҳолиси муттасил равшда шиддат билан кўпайиб бормоқда.

Ер шари аҳолиси ҳақида фикр юритиш, унинг кўпгина хусусиятларини тўғри тушуниш ва характерлаш учун, аҳолининг умумий сони, динамикаси, туғилиши, ўлиши, миграцияси, ёш ва жинсий таркиби ва бошқалар ҳақида аниқ маълумотларга эга бўлиш зарур.

Ҳозирги кунга қадар ер юзида бир вақтнинг ўзида бирон марта ҳам аҳоли рўйхати ўтказилмаган, бу эса дунё аҳолиси ҳақида аниқ маълумотларга эга бўлишга тусқинлик қилади. Аҳоли деганда маълум худудда яшаётган (мамлакатнинг бир қисми,бутун мамлакат, ёки бутун дунё аҳолиси) кишилар гурухи тушунилади. Ер юзининг айрим минтақаларида аҳоли жуда қадимги даврлардан ҳисобга олиб борилган.Масалан, Хитойда эрамиздан бир неча асрлар олдин аҳоли ҳисобга олинган. Эрамиздан олдинги 12 асрдан бошлаб эса, аҳоли ҳисоби бу ерда систематик равшда ўтказилиб турилган.

Аҳолини ҳисобга олиш қадимги мисрда, Эронда, шунингдек Рим империясида эрамиздан аввалги 6 асрдан бошлаб мавжуд бўлган[1, 4 б.]. Аммо, у пайтдаги аҳоли ҳисобиниҳозирги замон аҳоли рўйхати билан тенглаштириш мумкин эмас. Уша даврдаги ҳисоб-китоблар маълум мақсад, масалан, солиқ тўлаш лозим бўлган ёки қўлига қурол олиш имкониятига эга кишиларнинг сонини аниқлаш учунгина амалга ошириларди. Аммо бу ҳисоблардаги маълумотларда фақат эркаклар тўғрисида фактлар келтирилиб,улардан аҳоли ҳақида тўлиқ демографик маълумотлар олиб бўлмайди.

Энди шу жиҳатдан бизнинг она заминимизда Советлар ҳокимяти даврида ўтказилган аҳоли рўйхатлари ва уларда тўпланган маълумотлар ҳақида тўхталиб ўтсак. Тарихдан маълумкиРеспубликамиз ҳудудида биринчи расмий аҳоли рўйхати 1897 йилда Россия империяси ҳукумати томонидан ўтказилган. Ушбу аҳоли рўйхатида чалкашликлар бир талай. Шунингдек, тўлиқ маълумотлар берилмаган. Масалан, Семиреченск ва Сирдарё вилоятларидан тўпланган маълумотлар, бир–бирига қўшиб юборилган. Аммо бу икки вилоят халқи бошқа-бошқа худудларда жойлашган эди. Шунингдек Сирдарё вилоятида яшаётган туркманлартожиклар билан қўшиб юборилган ҳамда уларнинг тили Ҳинд Евопа оиласига мансуб деб ёзилган.

Рўйхат маълумотларида маҳаллий аҳоли тилини белгилашда айрим хатоликлар берилган, жумладан, ўзбек тилидан ташқари “Сарт” тили атамаси ишлатилган. Бу жуда тушунарсиз ҳолатлардан биридир. 1897 йил аҳоли рўйхати ўтказилган пайтда ҳозирги Ўзбекистон худудининг фақат бир қисми кирган эди. Бухоро ва Хива хонликлари аҳолиси эса ҳисобга олинмаган эди[3]. Чоризм шароитида рўйхат расмий тус олиб. Жойларда аҳоли рўйхатига статистикани билмайдиган чиновниклар раҳбарлик қилгандилар, улар эса ҳисобчилар ишини руҳонийларга ва полициячиларга топширишни тавсия этар эдилар. Рўйхат материаллари яхши ишланмаган. Шунга қарамай уш бу рўйхат 19 аср охиридаги Россия империяси аҳолисининг сони ва таркиби тўғрисида нисбатан тўғри маълумотларларнинг бирдан-бир манбаи бўлиб қолди[1, 6 б.].

Аҳоли рўйхатлари аҳоли тўғрисида энг тўлиқ ахборотни бериши мумкин жумладан, “октябр”инқилобидан кейин уч йил ўтиб 1920 йилнинг августида совет иттифоқида биринчи аҳоли рўйхати ўтказилганлиги факти бу тадбирнинг аҳамиятидан дарак беради, ўшанда аҳоли рўйхати қишлоқ хўжалик рўйхати билан ва саноат корхоналарини қисқача хисобга олиш билан ўтказилган эди[4, 4 б.], 1920 йилда ўтказилган аҳоли рўйхати 1897 йилда ўтказилган аҳоли рўйхатдан шу жиҳати билан фарқ қилар эдики, унинг сўровномасида нафақат она тили ва миллати балки саводхонлик даражаси ҳамда қайси тилларда сухбатлаша олади каби қўшимчалар киритилган эди[5, 3 в.].

Copyright © 2025 All rights reserved International Journal for Gospodarka i Innowacje This work licensed under a Creative Commons Attribution 4.0

1926 йилнинг декабридаги Бутуниттифок аҳоли рўйхати биринчи марта мамлакатнинг бутун аҳолисини ўз ичига қамраб олди. Шу рўйхатни ўтказишга тайёргарлик кўриш чоғида машхўр статистиклар В.Г.Михайловский билан О.А.Квиткин ишлаб чиққан илмий принциплар аҳолининг мана шу ва навбатдаги аҳоли руйхатлари учун асос бўлди. 1926 йилги рўйхат маълумот олишнинг пухта уйланган методикаси билангина эмас, шу билан бирга, айниқса аҳолининг социал таркиби тўғрисида ва оила ҳакида йиғилган маълумотларнинг бойлиги билан хам ажралиб турар эди. Навбатдаги аҳоли руйхати 1937 йилнинг январида ўтказилди. Бироқ унинг ташкил этилиши қониқарсиз деб топилди.1939 йилнинг январида янги рўйхат ўтказилди. Бу рўйхатда хисобга олиш аниқлиги учун махсус чора-тадбирлар қўлланди.

1939 йилги рўйхат икки беш йиллик натижаларини якунлади.1939 йилги аҳоли рўйхати олдингиларидан ҳам яхши ташкил қилиниб маълумотларни аниқлиги ва тўлиқлиги билан ажралиб турди. Унда тўпланган маълумотлар 15 ой ичида тартибга келтирилиб дастлабки натижалари эълон қилинди. Рўйхат тез ва самарали якунланлиги сабабли хукумат томонидан аҳоли рўйхатида фаол қатнашган 149 кишини Совет иттифоқининг турли орден ва медаллари билан мукофотланиши унинг аҳамиятидан дарак берар эди[5, 5 в.]. Иккинчи жаҳон Уруши бошланиб қолганлиги туфайли барча маълумотларни тўла-тўкис ишлаб чиқиш имкони бўлмади. Урушдан кийинги биринчи ахолии рўйхати 1959 йилда ўтказилди.Уни ўтказиш учун катта тайёргарлик ишлари олиб борилди. Ҳатто, 1957 йилда ўтказилган бутуниттифоқ статистикларнинг йиғинида уни ташкил этиш йўллари, методологияси ва дастури ҳақида гап борди. Аҳоли рўйхати муносабати билан иттифоқ бўйича ярим миллионга яқин кишилар тарғибот ва ташвиқот ишлари билан шўғилландилар. Қарйиб 650 минг киши аҳоли рўйхатини самарали ташкил этилишини таъминлашга йўналтирилган шиорлар, варақалар, китоблар тарқатиш ишлари билан машғўл бўлдилар. Мавзўга оид масалалар оммавий ахборот воситалари ва телевидение орқали кенг ёритилиб борилди.

1959 йилги аҳоли рўйхати натижалари нафақат собиқ СССР аҳолисини балки хорижий давлатлар аҳолисини ҳам қизиқтирган эди. Сабаби, олдин ўтказилган рўйхат билан 1959 йилда ўтказилган вақт оралиғи йигирма йилни ташкил қилиб, ушбу йиллар ичида иккинчи жаҳон уруши ҳам бўлиб ўтган эди. Айрим манбаларнинг гувоҳлик беришича 1968 йилга келиб собиқ СССР худудида ҳар дақиқада ўртача 8 киши тўғилган. Бу эса бир кунда иттифоқ аҳолиси ўртача 6 минг кишига кўпайди дегани.Шунингдек, ҳар куни 12 минг йигит-қизлар никоҳдан ўтганлар. Кўплаб кишилар иш ўринларини алмашиши ва бошқа жойга кўчиб ўтиши натижасида иттифоқ аҳолисининг миллий ва ижтимоий таркиби ўзгариб борди. Юқоридаги маълумотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш учун навбатдаги аҳоли рўйхатини ўтказиш зарур эди[5, 3 в.].

Навбатдаги аҳоли рўйхати 1970 йилнинг январида бўлиб ўтди. Ташкилий ва методик жиҳатдан у аввалги икки рўйхатни эслатса ҳам, бироқ анча чуқур маълумотлар олинди. Рўйхат маблағларни тежаш мақсадида жами аҳолини эмас, балки унинг 25 фоизидан сўраш йўли билан олинди. Рўйхат материалларини ишлаш пайтида бир қанча техник янгиликлар қўлланди. Яъни ўзоқ муддатли демографик прогнозларни ишлаб чиқиш учун унинг маълумотларидан фойдаланилди.1970 йилги аҳоли рўйхати пайтида иттифоқдош республикалар, улкалар, вилоят,туман, шаҳарлар,шаҳар типидаги аҳоли турар жойлари, қишлоқлар,қишлоқ советлари аҳолисининг миллий таркиби, жинси, ёши, оилавий ҳолати,миллати, тили,маълумоти,машғулоти каби ҳолатларни ўрганишга бағишланган энг тўлиқ маълумотлар олинди.

1970 йилда ўтказилган аҳоли рўйхати пайтида иттифоқ бўйича 670 минг киши иштирок этди.Шундан 540 минг нафари ҳисобчилар бўлса,100 минг нафари инструктор-назоратчилар эди. Яна 26 минг нафари давлат статистика бошқармаси бўлим бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари ҳамда 4 минг нафар шаҳар ва туманлар статистика бўлимлари ходимлари иштирок этдилар.Ана шу аҳоли рўйхатларида қатнашганлар сони бўйича юртимизнинг Самарқанд вилояти мисолида эътиборингизга қўйидаги маълумотларга қаратмоқчимиз.1959

Copyright © 2025 All rights reserved International Journal for Gospodarka i Innowacje This work licensed under a Creative Commons Attribution 4.0

йилда вилоят бўйича 2200 киши рўйхатга олишда қатнашган. Ана шундан 500 таси Самарқанд шаҳрида фаолият олиб бордилар.1970 йилги аҳолини рўйхатга олишда эса вилоят бўйича 3 мингта одам қатнашган, уларнинг 2300 таси ҳисобчилар эди[5, 7 в.].

1979 йилнинг январида навбатдаги аҳоли рўйхати ўтказилди. унда савол-жавоб пайтида қилинган ёзувлар махсус ўқиш қурилмалари ёрдамида ЭҲМга киритилиб, магнит лентасига ёзиб олинди[4, 11 б.]. Берилган маълумотлардан кўриниб турибдики аҳолини рўйхатга олиш, аҳоли ҳақидаги, унинг ўсиш денамикаси ҳақидаги, маълумотларни ўрганиш энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Шу мақсадда 1989 йилда ўтказилган аҳоли рўйхати ҳам ўзининг бир талай жиҳатлари билан бошқаларидан ажралиб туради. Сабаби уш бу рўйхат ташкил этилиши ҳамда тезда қайта ишлаб чиқилганлиги билан муҳим. Иккинчидан эса бу рўйхат Совет ҳокимяти томонидан ўтказилган аҳоли рўйхатларининг энг сўнгиси эди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак,юқорида айтиб ўтилганидек, аҳоли рўйхатининг вазифаси – аҳоли сони тўғрисидагина эмас, шу билан бирга унинг таркиби, яъни турли ижтимоий – демографик белгилари ҳамда шу белгиларнинг уйғунлиги бўйича аҳолининг тақсимланиши тўғрисида ҳам маълумот олишдан иборатдир. Кўпгина белгилар комбинацияси. Уларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда шу йўл билан айрим ижтимоий гуруҳларнинг ҳар томонлама характеристикасини олиш мумкинлиги-аҳоли тўғрисидаги маълумотларнинг манбаи сифатида аҳоли рўйхатининг асосий афзалликларидан биридир. Шу ўринда республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг диёримизда бир неча бор аҳоли рўйхатлари ўтказилиб унда тўпланган маълумотлар орқали аҳоли сонининг ўсиш динамикаси аниқланиб шунга нисбатан, иқтисодиётни режалаштириш, аҳолини турар жой ва иш ўринлари билан таъминлаш ишлари амалга оширилиб борилмоқда.Бу эса аҳолимизнинг турмуш фаровонлигини янада яхшиланишига, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамятида тутган ўрнини янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Асонов Г.Р. “Дунё аҳолиси”. Т. “Фан”. 1969. Б.334.
2. Асонов Г.Р. “Аҳоли географияси”. Т. “Ўқитувчи”, 1978. 67 б.
3. Интернет маълумоти. Переписъ населения Российской империи (1897)
4. Волков А.Г. «1989 йилги Бутуниттифоқ ахоли руйхати» Т. “Меҳнат”. Русча нашрдан таржима. 1988.Б.59
5. Самарқанд вилоят давлат архиви. 1646 фонд, 2 рўйхат, 165 йиғма жилд, 3-5-7 варақлар.

Copyright © 2025 All rights reserved International Journal for Gospodarka i Innowacje This work licensed under a Creative Commons Attribution 4.0